

893 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَعَثُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا عَطَسَ أَحَلُكُمْ فَحَمِدِ اللَّهَ فَشَمَّتُوهُ، فَإِنْ لَمْ يَحْمِدِ اللَّهَ فَلَا تُشَمِّتُوهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2992].

893. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бирортангиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит айтинглар. Агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар», деганларини эшигданман»

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Араб тилида акса урган кишига қаратга «Йарҳамукаллоҳ» («Аллоҳ сенга раҳм қилсин») дейиш «ташмит» дейилади.

Ҳадиснинг тўла шакли қуидагичадир:

Абу Бурдадан ривоят қилинади:

«Абу Мусонинг ҳузурига кирдим. У (завжаси) Фазл ибн Аббоснинг қизиникида (Умму Кулсумнинг уйида) эди. Мен акса урсам, ташмит айтмади. У (Умму Кулсум) акса урган эди, унга ташмит айтди. Мен онамнинг ёнига қайтиб бориб, бўлган гапни айтдим. (Абу Мусо онамнинг) ҳузурига келганда: «Хузурингда ўғлим акса урса, унга ташмит айтмабсан, у (Умму Кулсум) акса урганда эса айтибсан?» деган эди, у шундай деди: «Ўғлинг акса урди, лекин Аллоҳга ҳамд айтмади. Шунинг учун унга ташмит айтмадим. У (Умму Кулсум) эса акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтди. Шунинг учун унга ташмит айтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бирортангиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит айтинглар. Агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар», деганларини эшигданман» (Имом Муслим ривояти).



NUBUVVAT MARVARIDLARI